

Яқин ўтмиш йилларига бир назар

1990 йил Каримов Ўзбекистон мустақиллигига, халқ озодлигига тиш-тирноғи билан қарши курашди. Одамларни ССРга қуллик қилишда яшайлик деб “қўндирди”.

1991 йил Каримов Наманганда Тоҳир Йўлдош бошчилигидаги тўда олдида мамлакатни исломий давлат деб эълон қилишга ваъда берди. Сўнг президентлик сайловида зўравонлик билан ўз номзодини ўтказди, бюлутеньларни сохталаштирди, ўзини ўзи президент қилиб тайинлади.

1994 йилгача Каримов мамлакатдаги мухолифатнинг барча йирик аъзоларини йўқ қилишга эришди, у давлат бошқаруви, тараққиёт ҳақида бош қотириш ўрнига ўзининг тили билан айтганда, “душман”ларини ўлдириш, қатағон қилиш билан машғул бўлди.

1999 йилгача Республиканинг ҳар бурчида ўзининг чекланмаган ҳокимиятини тиклади, қолган-қутган рақибларини даф этиш мақсадида 1999 йил 16 февраль куни Тошкентда ўзи портлаш ташкиллаштирди ҳамда айбни мухолифларига, диндорларга юклади.

Шу тариқа мамлакатда ёппасига қатағон бошланди, минглаб одамлар қамалди, ёш йигитларнинг умри турмада чиришга маҳкум қилинди. Йилдан йил ўтгани сайин мамлакатда репрессия кучайди. Одамларни алдаш, уларнинг буюк бир давлатда яшаётганларига инонтириш учун барча ҳийлалар қўлланилди.

Ўзбекистон дунёдан узиб қўйилди, ОАВ қолипга туширилди, эл-улус онгу шуури иложи борича кераксиз нарсалар билан тўлдирилди. Йилдан йилга одамлар ижтимоий-сиёсий пасивлаштирилди, ҳақ-ҳуқуқини талаб қилган кишилар жазоланди, инсонлар ўзганинг тақдирига бефарқ ва лоқайд бўла бошладилар, ҳамма ўз жонини ўйлашга ўтди, биров бировнинг ҳимоясига чикмайдиган бўлди.



ҒОФИЛЛИК ЧЕКИНАДИГАН ВАҚТ ЯҚИН

Каримов “сиёсати”га аралашшиш, унга танқидий қараш аёвсиз жазоланди. Жамики одамлар уни мақташга, улуғлашга маҳкум этилдилар. Ҳамма ишлар хўжақўрсинга қилина бошлади, кишилар қалбида эрка, ҳалолликка ва адолатга бўлган ишонч сўндирилди. Буларнинг ҳаммаси чуқур ўйланган режа асосида олиб борилди. Бунга ишонинг.

2005 йил Каримов Андижонда яқин икки минг кишини ўлдириди. Аммо жиноят босди-босди, ёпди-ёпди қилиб юборилди. Қариндош-уруғи ўлганлар кўрkitилди, улар ҳам дамани чиқармасликка рози бўлдилар. Юзлаб кишилар кочокқа айландилар.

Кимки, Каримовга қарши чикса, уялмай-нетмай террорист деб эълон қилинди. Одамлар ҳақиқий террорист ўзларининг бошида ўтирганларидан ғофил қолдилар.

Мамлакатда ахлоқсизлик авж олди. Фоҳишабозлик кучайди, аёллар ўзларини хорижга экспорт қилишга бошлашди, эркалар эса бегона юртларда сарсон бўлиб оила боқиш ҳаракатига тушдилар.

2007 йилда Ўшда улкан қирғин бўлди. Ўзбеклар ўлдирилди. Аммо Каримов ҳукумати сукут сақлади ва буни энг зўр сиёсий билағонлик деб одамлар онгига сингдирилди.

Каримовнинг хаёсиз қизлари мамлакатни ўз томорқаси деб ўйлаб билган номаъқул ишларини қилди.

Адабиёт аҳли, дин уламолари, журналистлар, олимлар, умуман ўзини интеллегенция вакили деб билган кишилар Каримов ҳукуматини қўллаб-қувватлаб қарсак чалди. Кап-катта олимлар, ёзувчи ва шоирлар унга тиз чўкишди.

Шайхга, эхтимол, суиқасд қилинган

Каримовдан мавке жиҳатдан ким устун бўлиши мумкин – барчаси яқсон этлди. Хусусан, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг кутилмаганда баскетбол залида вафот этиши ҳеч кимни жиддий ўйлантормади. Ҳолбуки, унинг обрўси Каримов ҳукуматига соя солаётгани, куч ва мавке жиҳатдан, ҳатто, ундан аллақачон ўзиб кетгани маълум эди. Буюк олимнинг ўлими ҳеч қандай тафтиш қилинмади. Буни биров талаб ҳам этмади. Аслида эса шайх суиқасд қурбони бўлгани ҳақиқатга жуда яқиндир.

Шу тариқа Каримов ўзининг Ўзбекистондаги ягона йирик рақибдан кутулди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Кесилган чинорлар

Каримов ҳукумати Фарғона водийсидаги чинорларни кесдирди, Фарғон шаҳри нақ жазирама шаҳарга айланди. Аввалги салқин ва сўлим шаҳардан асар ҳам қолмади.

Кейин навбат Наманганга келди. У ҳам шу аҳволга туширилди.

Бу орада пойтахт Тошкентда ҳам юз йиллик чинорларга қирғин келтирилди. Улар ёғоч сифатида мебелчиларга сотилди. Шу ҳудуд дарахтлари бўлган терак, тол, чинор, олма, ўрик, шафтоли, олча, олхўри ва ҳақозолар турганида ўзга мамлакатлардан келтирилган арча, сосна каби кўчатлар экиб ташланди. Бутун мамлакатга бу кўчатлар тарқатила бошланди.

Бунинг оқибати маълум – яқин йилларда бутун мамлакат кучли иқлим ўзгаришига учрайди. Чунки чинорлар нафақат оддий дарахт, балки иқлимдаги стабилликни тутиб турадиган бир восита эди.

Навқирон “зомби”лар ва чексиз буйруқлар

Каримов қилган жиноятларнинг адади йўқ. Аммо... бутун мамлакат жим. Давлатдан ташқари бўлган бирор ташкилот халқ манфаатини ҳимоя қилмади. Халқ ичидан кўнгилли равишда ташкилотлар тузишга эса йўл қўйилмади. Олимлар, шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар, ўқитувчилар, ишчилар – ҳеч ким бирлашмади. Ёшларни айтмаса ҳам бўлади. Ўзбек ёшлари бир хил гапни такрорлайдиган зомбиларга айлантилди. Улар мақтаниш ва гап сотишдан бўлак амалий ишга ярамайдиган характерсиз авлод бўлди.

Яқинда мамлакат бўйлаб “Буюк юрт фарзандларимиз” деган шиор остида “тадбирлар” ўтказилди. Ҳисоботларда иштирокчи ёшлар сони минглаб эканилиги кўрсатилмоқда. Бироқ ўша ёшлар бу тўдалашувлардан мақсад нималигини мутлақо англамайдилар.

Каримов режими одамларни кераксиз нарсалар билан банд қилиб ташлашни хуш кўради. Шундай бўлсинки, ҳеч ким ҳеч бир ишга улгурмасин, аммо қилиниши шарт ишлар тикилиб ётсин. Бунинг йўли осон экан – ҳамма идораларга буйруқ устига буйруқ юборилади,

топширик устига топширик берилади. Ижро зудлик билан талаб қилинади. Қарабсизки, ҳеч ким ҳеч нарсасига улгурмайди.

Имомларнинг ҳафталик ҳисоботлари

Масалан, диний соҳани олайлик. Бугун Ўзбекистонда туман имом хатиблари ҳар ҳафта жума намозидан кейин Ўзбекистон Муслмонлари идорасининг вилоятдаги вакилликка ҳафталик ҳисобот юборадилар. Ушбу ҳисоботда имомлар ҳафта давомида олиб борган турли маънавий-маърифий тадбирлари, ОАВда қилган чиқишлари, масжид томонидан амалга оширилган эҳсонлар акс этиши зарур.

Ростгўйлик тарғиботчиси ҳисобланган имомлар бўлган бўлмаган тадбирларни ёзверадилар, зарурат туғилса, керак бўлар деб сохта баённомалар ёздирадилар. Буёғи ундан ҳам қизик: мақола ёзмайдиган, Каримов сиёсатини мақтамаган имомлар вилоят имомларининг йиғилишларида ҳақорат ҳам қилинади, йил сўнгида ким кўп “тадбир ўтказган” бўлса, ўшанга қандайдир бир чангютгич – плесос, телевизор ва фахрий ёрлик топширилади. Шу билан имом хатиб хурсанд. Бундан ташқари имом хатиблар туман ва баъзан вилоят ҳокимлиги ўтказадиган мажлисларда, бош вазирнинг селекторида қатнашишга мажбурланади. Улар бу йиғилишда ҳокимларнинг сўқинишлари, бепарда ҳақоратларини тинглаб ўтиришади.

Исҳоқжон Муҳаммаднинг қисқа ворислик фаолияти

Тошкент шаҳридаги “Тўхтабой” жоме масжиди (Чақичмон) имоми Исҳоқжон Муҳаммад шайх Муҳаммад Содикдан сўнг ўзини унга бир маънавий меросхўр деб ўйлади.

Шунга мувофиқ у сайт очди, гарчанд ўзининг адабий саводи ҳаминқадар, диний илми ўртамиёна бўлса ҳам, характеридаги урушқоқлик, маърузаларидаги жазава орқали кўп мухлислар орттирган эди. Унинг сайти тез орада кўзга ташланди, унга хизмат қиладиган котиблар, программистлар пайдо бўлди. Исҳоқжон Муҳаммад фейсбукда ҳам фаоллашди, турли меҳрибонлик

уйларига, пахта далаларига бориб расмга тушди, ўзини ўта фаол имом сифатида кўрсатди. 2015 йилнинг баҳорларида бошланган фаолият 2016 йилнинг бошида сўнди. Сабаби шуки, унинг масжиди ёнида портлаш бўлди. Кичик бомба портлади ва ҳамма ёққа шов-шув бўлди. Сўнг шу баҳона Исҳоқжон Муҳаммадга тайзик қилинди, бир неча марта МХХга чақирилди, унинг масжидига ким келса, баравар сўроққа тортилди. Натижада, Исҳоқжон Муҳаммаднинг шайх Муҳаммад Содикқа ворислиги қирқилди.

Эслатиб ўтиш керакки, Исҳоқжон Муҳаммад имомлик қиладиган масжидда илгари Обидхон қори Назаров имомлик вазифасини бажарган.

Тошкент шаҳри бошимоми Анвар қори Турсунов ўз маърузаларида асоан, ўзини пичоқлаб кетишгани ҳақида гапиради. Қолганларнинг ваъзлари ҳам мана шу саъвияда.

Чунки уларнинг ҳаммаси ҳафталик ҳисобот тайёрлаши керак, китоб ўқишга вақтлари йўқ, қолаверса, қутилмаган вақтда диний идора масжидларга текширув юбориб туради. Бу текширув масжид имомининг билими, қавмининг фикрини эмас, балки масжидга тушган эҳсонлар ҳамда турли баённомаларни ўрганади, холос.

Қисқаси, буларнинг ҳаммаси Каримовнинг “доно” сиёсати мевасидир.

Сўнган ишонч ва уйғониш қатъияти

Одамлар орасида ўзаро ишонч йўқ. Ҳеч ҳукуматдан адолат кутмайди. Аммо унга қарши ҳам чикмайди.

Кўпчилик Каримов ҳукумати ҳали-вери амалдан кетмайди деб ўйлайди. Аммо бир куни – балки бу жуда яқин – ҳамма Каримовни кишанланган ҳолда кўради. Золим режим аъзолари эса унинг ёнидан жой олган бўлишади. Уларнинг ҳаммаси халқ олдида қилган жамики жиноятлари учун жавоб беришади. Каримов режимининг асл башараси очиб ташланади.

Бу – яқин қолди. Зотан, халқ онги қанчалик фалаж қилинмасин, уни уйғотадиганлар бор. Улар ғофил эмаслар ва ҳар лаҳза бедорлик билан мамлакатнинг чинакам ҳурлиги учун курашмоқдалар.

Абдуллоҳ Нусрат



Қирғизистон Ўзбекистонга қарашли бўлган пансионатларини қайтариб олиш тўғрисидаги қарорни имзолаган

Қирғизистон Бош вазири 4 март куни Иссиқкўлдаги Ўзбекистонга тегишли тўрт пансионатни 80 гектар ери билан Бишкек ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги қарорни имзолади. Мазкур пансионатлар Совет Иттифоқи пайтида Ўзбекистондаги турли давлат ташкилотлари ва корхоналар ҳисобидан бунёд этилган эди.

Қирғизистон ўзбек пансионатлари учун Тошкентга ҳақ тўлаши ёки тўламаслиги номаълум

Қирғизистон ҳукуматининг матбуот хизмати маълумотиغا кўра, 4 апрель куни Бош вазир Темир Сариев Иссиқкўлдаги Ўзбекистонга қарашли бўлган “Роҳат”, Дилором”, “Олтин қум” ва “Бўстон” пансионатларини Қирғизистонга қайтариб олиш тўғрисидаги қарорни имзолаган.

Мазкур пансионатлар Совет Иттифоқи пайтида Ўзбекистондаги турли давлат ташкилотлари ва корхоналар ҳисобидан бунёд этилган, мустақилликдан сўнг эса уларнинг мақоми ноаниқ бўлиб қолаётган эди.

Ўзбекистонга тегишли бўлган “Олтин қум” пансионати ҳозирда Тошкент механика заводи, деб аталётган собиқ Чкалов номидаги авиация заводи томонидан 1972 йилда барпо этилган. Механика заводи расмийси Николай Колодов кирғиз ҳукуматининг бу қарори ҳозирда завод раҳбарияти томонидан ўрганилаётганини айтди:

— Бу иш билан ҳозир тегишли

органлар шуғулланаяпти. Мен бу қарор ҳақида эшитдим. Лекин ҳозирча бирон нарса дея олмайман. Қирғизистон ҳукуматининг қарори муносабати билан пансионатнинг директори Тошкентга чақиртирилган. Ҳозир бу қарор тегишли давлат органлари томонидан ўрганилиб, муҳокама қилинаяпти. Аммо бир нарсани айтиш лозимки, бу пансионат заводимиз ҳисобидан қурилган эди, бу ерда жуда кўп ишчиларимиз дам олар эди, — деди Николай Колодов.

Қирғиз ҳукумати қароридан қайд этилган пансионатлардан яна бири “Роҳат” бўлиб, мазкур пансионат Ўзбекистон миллий банкига тегишлидир. Миллий банкнинг ўз номини айтишимизни ва овозини ёзиб олишимизни истамаган расмийси айтиш пайтда банк раҳбарияти кирғиз ҳукумати қароридан хабардор экани, бироқ ҳозирча Бишкекдан бу масалада расмий билдирув келмаганини айтди. Миллий банк расмийси Қирғизистон томони Ўзбекистон маблағи ҳисобига қурилган пансионатлар учун кирғиз томони ҳақ тўлаши ёки тўламаслиги ҳам номаълум бўлиб қолаётганини айтди.

Қирғизистон ҳукумати эса Ўзбекистон билан 1994 йилда имзоланган “Икки давлат ўртасидаги хусусий мулк ҳуқуқини мувофиқлаштириш шартномаси” ҳамда Қирғизистон парламентининг 1992 йилдаги Иссиқкўлда МДХ мамлакатларига тегишли бўлган пансионатларни Қирғизистон ихтиёрига ўтказиш

тўғрисидаги қарорига асосан пансионатлар Бишкек балансига ўтказилаётганини билдирмоқда.

Иссиқкўлдаги Ўзбекистон пансионатларида асосан қозоқлар ва руслар дам олади

Бироқ “Роҳат”, Дилором”, “Олтин қум” ва “Бўстон” пансионатларининг бугунги кундаги бозор нархи бир неча ўн миллион долларни ташкил қилади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонга тегишли пансионатлар расмийлари пансионатларни Қирғизистон ихтиёрига ўтказиш масаласи икки давлат ўртасида молиявий муаммони келтириб чиқаради ва бу жараён жуда узоқ давом этади, деган фикрда.

— Масалан, бизнинг пансионатимизнинг баланс қиймати жуда катта. Бозор нархида 6 миллион долларга баҳоланган. Қирғизистон пансионатларни ўз ихтиёрига ўтказиш бўйича бир томонлама қарор қабул қилаяпти. Бу эса Ўзбекистон билан муносабатларни янада совуқлашувиغا ва кўшимча муаммолар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу масалани Ўзбекистон билан ҳамкорликда, маслаҳатлашиб ва музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилиш керак эди. Мен Тошкентдагилар пансионатларни битта қарор чиққани учунгина бериб қўяди, деб ҳисобламайман. Бу жараён жуда узоққа чўзилади, — деди Иссиқкўлдаги Ўзбекистонга қарашли пансионатлардан бирининг ўз исмини айтишимизни истамаган менеждери.

Унинг айтишича, мазкур пансионатларда ишловчиларнинг 20-30 фоизи Ўзбекистон, қолганлари эса Қирғизистон фуқароларидир. Ўзбекистонга тегишли пансионатларнинг асосий меҳмонлари қозоғистонликлар ва россияликлар ҳисобланади. Менеждернинг айтишича, пансионатдаги нархлар жуда қиммат бўлгани учун ҳам, бу ерда дам олувчи ўзбекистонликлар сони умумий дам олувчиларнинг 15 фоизидан ортмайди.

Ўзбекистонлик учун Иссиқкўлдаги ўзбек пансионатида дам олиш ўртача 1000 долларга тушади

Тошкентдаги сайёҳлик ширкатларидан бири Иссиқкўлдаги Ўзбекистонга тегишли

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: *Боши олдинги саҳифада*)

пансионатларга дам олувчиларни жалб қилиш билан шуғулланади. Ширкат менежерларидан бирининг айтишича, Иссиққўлдаги Ўзбекистон пансионатларида йил сайин бир неча минг ўзбекистонлик дам олиб қайтар эди. Икки кишининг бу пансионатларда 10 кунлик дам олиши ўрта ҳисобда 1000 доллар атрофида бўлар эди.

— Катталар учун самолётда бориш-келиш билети 1 миллион 200 минг сўмни ташкил қилади. Бишкекдан Иссиққўлгача етиб олиш учун яна 60-70 доллар сарфланади. Икки кишилик номер

бир кунига 88 доллар туради. Ўн кунга бўлса 880 доллар бўлади. Уч маҳал овқатланиш ҳам мана шу пулнинг ичида, — деди сайёҳлик ширкати менежери.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, Бишкек ҳукуматининг қарори Иссиққўлдаги пансионатлар билан ишлаётган сайёҳлик ширкатларини ҳам ташвишга солиб қўйган. Бироқ мазкур пансионатлар раҳбарияти билан ўтказилган телефон суҳбатларидан сўнг, пансионатлар одатдагидай ишлаётгани, уларни Ўзбекистон балансидан Қирғизистон балансига ўтказиш жараёни бир неча йилларга чўзилиши аён бўлган ва

Иссиққўлга путёвқаларни сотишни тўхтатмаслик тўғрисида қарор қабул қилинган.

Айрим кузатувчилар Қирғизистон ҳукумати Ўзбекистон ҳарбийларининг ўзбек-қирғиз чегарасида март ойи сўнггидаги ҳаракатларига жавоб ўлароқ ушбу пансионатларни қайтариб олаётганини айтмоқда.

18 март куни Ўзбекистон Қирғизистон билан баҳсли бўлиб турган Чаласарт худудига ҳарбий техника ва аскар киритган, бу икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ўта кескинлашуви сабаб бўлган эди.

Манба: «Озодлик» радиоси

Бор кучи билан ҳокимиятни қўлда тутишга ҳаракат қилаётган Каримов режими диктатуранинг илк йилларидан бошлаб ўтмишда Туронзаминда яшаб ўтган буюк зотлар – авлиёлар, олимлар, шоирлар, шоҳлар номини ўз манфаатига “хизмат қилдириб” келяпти. Каримов одамларни чалғитиш учун йилларга ном беришни 1991 йилдан одат қилди ва ўша йилни Алишер Навоий деб атаган эди. Кейинчалик ал-Фарғоний, Амир Темури деган йиллар ҳам уюштирилди.

Ўтган мақолаларимизда Каримов диктатурасининг содиқ малайлари томонидан золим ҳукмроннинг буйруғи билан Алишер Навоий, Бобур номлари уларнинг туғилган кунларида оммалаштирилиши тўғрисида тўхталган эдик. Бугун 9 апрел – Соҳибқирон Амир Темури таваллуди куни яна бутун Республика “байрамон” кайфиятда – турли зўраки тантаналар, конференциялар, оммавий ахборот воситаларида “кўтаринки” оҳанг.

Албатта, бу ишларнинг ҳаммаси кип-қизил масҳарабозликдир. Масалан, шундай масҳарабозликлардан бири Тошкентнинг қоқ ўртасидаги Амир Темури хиёбонида ҳафтанинг сешанба куни – 6 апрел соат 12.00дан 13.00 орасида ташкил қилинди.

Ўзбекистон Халқ артисти, актёрлар орасида ўз интеллекти – ақлий қобилияти билан яхши ҳурматга эга Афзал Рафиқов Амир Темурининг ҳайкали тагида турибди. Унинг атрофида ўн – ўн беш нафар курсантлар. Яъни Тошкент умумқўшин Олий ўқув кўмондонлик юртининг талабалари. Курсантларнинг



“Амир Темури” ҳам Каримов режимида хизмат қилмоқда

ёши ўн ўлти – ўн тўққиз орасида. Актёр улар ўртасида туриб олиб образга киришиб Амир Темури ундай, Амир Темури бундай деяпти. Икки фотографик эса уларни суратга олиш билан банд. Актёр озгина гапириб бўлгач, фотографик олган суратларини унга кўрсатади, кекса санъактор унга тикилади, ҳа, яхши деб қўйди, фотографик эса яна сурат керак деб уларни турли тарафдан турли “поза”ларда расмга туширди.

Шу тариқа расмга тушиш маросими тугагач, кун исиб бораётгани вазидан Афзал ака тушликка, курсантлар эса ўқиш жойларига қайтишди.

Олинган расмлар эса матбуотда аскарлар Амир Темури жасорати ҳақида Афзал Рафиқовдан сабоқ олмоқдалар деб эълон қилинади.

Ўйинни қаранг! Бутун

Ўзбекистон шу ўйинга ўрганиб кетди-я.

Бечора курсантлар қошки, Амир Темуридан жасоратни ўрганишган бўлса! Қаёқда, улар ўз ўқув юрларида қуллик учун, лозим топилса, ўз халқига ўқ узиш учун тайёрланишяпти. Уларга ҳеч ким жасорат намунасини кўрсатмаган, қолаверса, йигитчалар ўқишга – аксари – ҳарбийларнинг ойлиги катта бўлгани учун кирган. Бу ерга кириш учун озмунча пора берилган дейсизми.

Бугун Ўзбекистон яна “байрам”, қарс-бадабанг!

Амир Темури туғилган кун. Бугун мен Соҳибқиронни бечора дейишга мажбурман. Ул зоти шариф ўзининг муборак исми қаёқдаги бир зоти пастининг диктатураси учун хизмат қилажани хаёл қилганмикинлар?!

Албатта, Амир Темурининг қабрини қавлашди, суякларини чиқариб олишди ҳам, қайта кўмишди ҳам. Балки унинг номини ўйинчоқ қилиш олдида ва Каримовдек бир олчоқ одам Амир Темурига ошқора ўхшатилиши олдида майитнинг суяклари қавлаб олингани маъқулмикин деб ўйга толасан гоҳо.

Инкор қилиб бўлмас ҳақиқат шуки, йил давомида турли сиймоларнинг номлари улуғлаштирилиб, уларнинг таржимаи ҳоли ва асарларидан Каримов диктатурасини қўллаб-қувватловчи нуқталарининг “топилиши” ва тақдим қилиниши ҳамда одамлар токи ҳукумат кўрсатма бермагунча ўзи истаб бирор аждодини эсламай қўйгани режим ботган ботқоқликни янада ёркинроқ кўриш ва англаш учун хизмат қилади.

Абдуллоҳ Нусрат

**12.04.2016 куни ОҚСАРОЙ
ОЛДИДА ПИКЕТ.**

Сақкиз йил давомида давлат маслаҳатчиси бўлган Т.Иминов ва унинг дўсти А.Фаттаховларнинг молиявий ўғирликларини очиклаганим ортидан кейинги бир ярим йил давомида ўғлим ва менга нисбатан таъқиб тазйиқлар кучайгандан кучайиб кетди. Бектемир ИИБдан милиция ва терговчиси бутун маҳаллани оёққа турғазиб “сизлар жиноятчисизлар, терговга олиб кетамиз” деб эшигимизни аввал тошбўрон қилиб



**РУЗ
— ПРЕДСЕДАТЕЛЮ СНБ РУЗ
— МИНИСТРУ
ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РУЗ
— ГЕНЕРАЛЬНОМУ
ПРОКУРОРУ РУЗ.
— ПРОКУРОРУ
ЯШНАБАДСКОГО Р-НА
— ПРЕДСЕДАТЕЛЮ
ЯШНАБАДСКОГО
РАЙОННОГО СУДА ПО
УГОЛ.ДЕЛАМ**

*от Ч.Негмановой, прож.по
адр: г.Ташк-т,*

ШОШИЛИНЧ. ОҚСАРОЙ ОЛДИДА “ПИКЕТ”

кейин тепишди. Мен чакирув қағози юборишларини сўрасам кўнишмади. Бундай холат ўн мартадан кўпроқ такрорланди. Кўча деворимиз оша уйимизга тушишга шу йўл билан ўғлимни мажбурлаб терговга олиб кетишга уч марта ҳаракат қилишган бўлса бир марта уйимизга бостириб киришди. Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич деганларидай улар қонуний иш юритганларидега биттагина терговга чакирув қағози билангина биз истакларини бажарган бўлардик. Айниқса ўғлимга нисбатан зўравонлик кучайди. Уни калтаклашди, зўравонга чора кўришларини сўраб шикоят қилсак аксинча ўғлимнинг ўзини айбдор қилиб “жиноий иш” очишди. Бир йил давомида терговга қатнадик, сўроқ-саволларга тутишди.

Шу йил февраль ойида кўчага чиқган ўғлимни бешта милиция, шундан иккитаси автомат билан қуролланган, ўғлимга автомат ўқталиб, қолган учтасидан иккитаси икки тамондан қўлларини қайириб кишан солиб, учинчиси бошини ерга эгиб машинасига мажбурлаб ўтказиб олиб кетишган. Туни билан Бектемир ИИБда ушлаб эртасига ўзлари хоҳлаган айбловни қўйишга мос равишда сўроқ-саволга тутиб, тергов иши олиб бориб, бир неча қоғозларга қўл қўйдириб олишган. Хатто олмаган ҳужжатларини олдим деб қўл қўйдиришган. Ўғлимнинг ҳали болалигидан, беғуборлигидан фойдаланишди. Мен ўғлимни кўришга борганимда кўрсатишмади. Бундай қувла-қувла терговлари ҳам бир йилдан кўпроқ давом этди. Оқибатда охири марта ўғлимни кўчадан ўғирлаб кетиб ноқонуний тарзда қилган терговларидан кейин хоҳлаган айбловларини қўйишга эришишди

ва ишни судга оширишди. Қизиғи шундаки эндиликда бир йил давомида бири олиб, бири қўйиб биз билан шуғилланган Бектемир ИИБ, прокуратура ва суди четда қолиб, бугунги кунда ўғлимнинг ёлғонлардан тўқилган тўқима “жиноий иши” Яшнабод туман судига ўтказилибди.

Бугун ўғлимнинг иши бўйича Яшнабод туман судида бўлдим. Улар ўғлим айбдорлигини айтишди ва беш юз варақли китоб ҳажмидаги тўплаган ҳужжатларни кўрсатишди. Улардан нусха беришларини сўрасам аввалига мумкин эмас деб кейинчалик майли фақат нусхани ўзингизнинг ҳисобингиздан кўчириб оласиз дейишди. Ҳам калтаклаб, ҳам айбдор қилиб суд қилишади, булар ҳам камлик қилгандай бир кучоқ тўқима айблов тўплаб “энди буларни ўз ҳисобингиздан кўчириб ол” дейишади. Ўзини таништирмаган судья жаноблари мени оғохлантириб “оқимга қарши сузганларни биз шундай жазолаймиз, уларни эшитишни, тушинишни хоҳламаймиз” деди.

11.04.2016 куни албатта ўғлимнинг судловга келиши шарт эканлигини тайинлаб энди чиқиб кетинг деб милиция чакириб унинг ёрдамида кабинетидан хайдаб чиқарди. Қуйида судга чакирув қағозларини ва Ш.Рустамов билан ёзган шикоятимиз билан танишиб қонун номидан иш юритувчи қароқчиларининг қанчалар ноқонуний иш юритишларининг гувоҳи бўласиз, марҳамат иловалар:

**ПРЕЗИДЕНТУ РУЗ
И.А.КАРИМОВУ
Копии- ПРЕДСЕДАТЕЛЮ
ВЕРХОВН. СУДА
— ПРЕДСЕДАТЕЛЮ СЕНАТА**

*Бектемирский район,
ул. Уртачирчик-56
и правозащитника
Ш.Рустамова, прож.по
адр: г.Ташкент-
71, Шайхантахурский р-н,
ул. Каттабаг-31.
ИСХОДЯЩ. № _____ т:
99890.353-19-31.*

О Ч Е Р Е Д Н А Я Ж А Л О Б А — 13

**(О возбуждении угол. дела в
отношении сотрудников вашего
Аппарата).**

Действуя согласно требованиям ст.35 и 121 Конституции, в целях оказания содействия в защите законности и правопорядка, прав и свобод граждан Ч.Негмановой и Г.Негманова, сообщаю о том, что нами 29.02.16г. Вам была представлена Жалобы о возбуждении уголовного дела в отношении сотрудников вашего Аппарата, где просили обсудить служебные деятельности выше сидящих чиновников на заседании Олий Мажлиса для получения согласия на привлечение их к уголовной ответственности, по которой мы до сих пор никаких Решений Олий Мажлиса не получили.

Сотрудники вашего Аппарата, как всегда, в очередной раз уклонились от представления наших Жалоб Вам, т.е. уклонились от исполнения своих служебных обязанностей. Тем самым, они занимались укрывательством преступлений, совершенных выше сидящими чиновниками, прокурорами, следователями, судьями, а также Т.Иминовым и А.Фаттаховым. В результате

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги сахифада)

чего мы лишены права обращения Президенту страны!

Пользуясь бездействием выше сидящих чиновников, должностными лицами местных правоохранительных органов организовано уголовное преследование Ч.Негмановой и её сына Г.Негманова с помощью фальшивого уголовного дела, в целях укрытия преступлений, совершенных Т.Иминовым и А.Фаттаховым.

Самое страшное то, что эти преступления совершаются именно сотрудниками ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВА, которые являются преследованием Ч.Негманова за подачу ею Жалоб в высшие органы государства на преступные деяния Т.Иминова и А.Фаттахова, что именуется К О Р Р У Ц И Е Й!

В частности, 13.02.16г. сотрудниками УР РУВД совершено преступление, т.е. необоснованное задержание — хищение человека — Г.Негманова (ст.135 УК), который необоснованно удержан до обеда в камере Бектемирского РУВД и каким то образом следователям удалось получить с Г.Негманова какие то Объяснительные и закрыть незаконно возбужденное уголовное дело.

Какой позор!

29.03.16г. по телефону из Яшнабадского рай. суда по уголовным делам 289-43-00 (Уктам) нам сообщил о явке Г.Негманова в суд. В беседе с ним мы сообщили ему о том, что мы не подчиняемся Яшнабадскому суду. Он нам козыряет тем, что ему направили это дело из ГУВД г.Ташкента. Тогда мы его предупредили, что он находится на пороге совершения преступлений, предусмотренных ст.205,206 УК РУз. Однако он не хочет понять. А наше требование о высылке повестки пока не удовлетворен. Но уже поступают угрозы о применении меры пресечения. Это означает то, что чиновники правоохранительных органов Бектемирского района не смогли завершить незаконно возбужденное (фальшивое) уголовное дело и с помощью чиновников ГУВД решили продолжить издевательство над нами в суде чужого Яшнабадского

района.

Анализируя происходящее, приходим к выводу о том, что действия В.Тян, Ш.Файзуллахонова, Начальников РУВД и ГУВД, их сотрудников и в целом МВД, в частности сотрудников УР, отдела по борьбе с терроризмом и следователей, которые замешаны в этом инциденте, являются не законными, так как у нас в Узбекистане до сих пор не принят Закон об МВД, т.е. они находятся вне закона, пользуясь этим они совершают произвол. Поэтому просим вас защитить нас от бандитских нападений преступной банды, состоящей из

должностных лиц МВД во главе с А.Ахмедбаевым!

Бездействия выше сидящих чиновников и деяния сотрудников вашего Аппарата, Прокуроров, Нач. Бектемирского РУВД, следователей В.Тян, Ш.Файзуллахонова и сотрудников МВД, Председателя Яшнабадского рай. суда и судьи Уктама являются злостным нарушением требований ст.2,7,13,14, 15, 16, 18, 19, 35, 43, 44, 118 Конституции, ст.7 Законов «О прокуратуре»,

«О судах» и УПК РУз, которые на основании ст.14 УК РУз. являются преступлением против конституционных прав граждан и демократизма!

На основании выше изложенного, ст.18,19,35,43,44,118 Конституции,

Закона «О прокуратуре» и ст.321-331 УПК в двенадцатый раз П Р О С И М:

1. Выступить гарантом соблюдения требований Конституции и наших прав.

2. Так как, вышеуказанные чиновники уклонились от исполнения своих служебных обязанностей, обсудить наши Жалобы на заседании Олий Мажлиса и принять по ним соответствующие Решения.

3. Отменить незаконные Постановления следователя В.Тян от 14.05.15г. о возбуждении



уголовного дела в отношении её сына и Постановление следователя В.Тян от 6.08.15г. о принудительном приводе его.

4. Отменить ложное Заключение СМЭ, так как в нем не указаны телесные повреждения Г.Негманова, указанные в Справке Республиканской НИИ нейрохирургии.

5. Обсудить служебные деятельности И.Абдуллаева, А.Ахмедбаева, Р.Иноятова и Н.Йулдашева на заседании Олий Мажлиса для получения согласия на привлечение их к уголовной ответственности за бездействие.

6. Возбудить уголовное дело в отношении сотрудников вашего Аппарата, Прокуроров Бектемирского, Яшнабадского районов и г.Ташкента, Нач-ка Бектемирского РУВД и ГУВД г.Ташкента, следователей В.Тян и Ш.Файзуллахонова, сотрудников УР и отдела по борьбе с терроризмом РУВД и ГУВД, У.Гаппарова, соседа Насима, участкового инспектора А.Абуева и остальных сотрудников МВД, участвовавших в нападениях в дом Негмановых, сотрудников отдела ГУВД по борьбе с терроризмом, задержавших Г.Неманова, чиновника, направившего данное фальшивое уголовное дело в Яшнабадский рай. суд, Прокурора

(Давоми кейинги сахифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

и Председателя суда по уг. делам Яшнабадского района по ст.135,141,144,205,206,208,209,230, 231,234, 241-242 УК РУз. и выдать нам копию Решения, принятого Олий Мажлисом РУз.

7. Привлечь к уголовной ответственности Т.Иминова и А.Фаттахова по

ст.167,205 УК РУз. за хищение государственных средств.

8. Требуем прекратить все процессуальные действия следователей В.Тян,

Ш.Файзуллахонова, администрации Яшнабадского рай. суда по у/д. и

прекратить ПРЕСЛЕДОВАНИЕ Негмановых до принятия Решений по

нашим Жалобам. Мы отказываемся от дачи показаний по данному

фальшивому уголовному делу!

ПРИЛОЖЕНИЕ: 1. Наша Жалоба от 14.02.16г.

2. Наша Жалоба от 29.02.16г. (на трех листах, только 1,2,8 адресату)

Согласно требованиям правил делопроизводства требуем

указать в своем Решении исходящий номер нашей Жалобы!

С уважением:

= Ч.Негманова=

= Ш.Рустамов

02.04.16г

Шикоятда сиз уларнинг қонунларни оёғи билан кўрсатишини, уларга умуман

риоя қилмасликларини, қонунлар уларнинг йиртиқ чўнтақларидан тушуб қолганини ва улар тимсолида

одамларни қанчалар хўрлашларини, зўравонлик ва юзсизликларини, юлғич ва жаҳолатни кўрасиз.

Мен буларнинг ҳаммасидан шу саккиз йил давомида безиб кетдим, ҳақиқатни гапириб менга қўшилиб ўғлимнинг ҳам инсоний кадр – қимматимиз қолмади.

Мен буларнинг ҳаммасига ўз НОРОЗИЛИГИМни билдириб 12.04.2016 куни соат 10:00 да

Оқсарой олдида пикет ўтказаман. Пикетда шаҳар хокимиятидан хафсизлигимни таъминлашларини

илтимос қиламан ва пикетга Ўзбекистондаги чет эл

элчихоналарининг вакилларини, журналист ва ҳуқуқбонларни таклиф қиламан.

ЧАМАНГУЛ НЕГМАНОВА

Қўшиқчилар чет элга чиқиш учун тегишли идоралардан рухсатиш олиши лозим бўлди

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Туркияга гастрол сафарига кетаётган хонандаларга кўйиладиган талабларни кучайтирган.

Эндиликда хонандалар «Ўзбекнаво» билан шартнома имзолашдан ташқари МХХнинг махсус суҳбатидан ўтказилади. Туркияга дам олиш ёки саёҳат мақсадида бормоқчи бўлган хонандалар ҳам тегишли идоралардан рухсат олиши лозим. Ушбу тартибнинг жорий қилиниши ўзбекистонлик хонанда Абдулазиз Каримга Туркия фуқаролиги берилганидан пайдо бўлган хавотирлар ўлароқ изоҳланмоқда.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасидаги манба маълумотида кўра, Ўзбекистондан чиқиб кетган хонанда Абдулазиз Каримга 10 ой ичида Туркия ватандошлиги (Туркияда «фуқаро» сўзи ўрнига «ватандош» сўзини қўллашди) берилгани маълум бўлгач, хонандалар орасида бу каби ҳолатлар такрорланмаслиги учун қатор тадбирлар амалга оширилаяпти:

«Абдулазиз Каримнинг лизенцияси 2014 йилда қайтариб олинган. У чиқиб кетган пайтда «Ўзбекнаво»га умуман алоқаси бўлмаган. Лекин хонандаларимиз буни такрорламасликлари учун жиддий чоралар кўраяпмиз. Ҳар бир ўтказилган ийғилишларда бунга эътибор қаратилаяпти», деди «Ўзбекнаво»даги манба.

Ўзбек хонандаларидан бирининг айтишича, кўриляётган чоралардан асосийси хонандаларнинг Туркияга чиқишини чеклашдан иборат:

«Кеча Маданият ва спорт вазирлигида Абдулазиз Каримга Туркия фуқаролиги берилгани бўйича мажлис бўлибди. Мажлисда қатнашганлар бундан кейин хонанда ва созандаларнинг Туркияга чиқиши шахсан Бош вазир Шавкат Мирзиёев назоратида бўлар экан, деб айтишяпти. Яна Туркияда юрган ўзбекистонлик санъаткорларни қайтариб олиш кампанияси ҳам бошланар экан», дейди хонанда.

2012 йил баҳоридан бошлаб чет элга гастролга борадиган ашуланига «Ўзбекнаво» билан махсус шартнома имзолаш мажбурияти юкланган. Эндиликда Туркияга гастролга бормоқчи бўлган хонандалар ушбу

шартномани имзолашдан ташқари МХХга хориждаги концерти бўйича батафсил маълумот бериши лозимлиги айтилаяпти.

Кейинги пайтларда Туркияда концерт бериш ўзбек хонандалари орасида урфга айланаётган эди. Жумладан, Нулуфар Усмонова, Жаҳонгир Отажонов, Райҳон каби хонандалар Туркияда концерт дастури бергани хабар қилинган.

Ўзбекистонлик хонандалар Туркиядаги ўзбек диаспорасининг тўй ва томошаларида ҳам тез-тез иштирок этаётган эди.

Шунингдек, кейинги пайтларда Туркия Ўзбекистонда тақикқа учраган санъаткорларнинг «бош урадиган» жойига айланган.

Ўзбекистонда концерт фаолияти норасмий тақикланган Юлдуз Усмонова ҳам бир неча йил давомида Туркияда яшаб ижод қилди.

Ўзбекистонда тақикланган ўндан ортиқ хонанда ва санъаткорлардан бири сифатида тилга олинган Озода Саидзода (Нурсаидова) ҳам Туркияда катта концерт бергани маълум.

Эндиликда эса Туркияга гастрол учун эмас, балки саёҳат қилмоқчи ёки бирор турк санаторийсида дам олмақчи бўлган хонанда ҳам «Ўзбекнаво»га билдириши ва тегишли идоралардан рухсат олиши лозим.

Махсус изнсиз Туркияга чиққан хонанда тақикдаги санъаткорлар сафига қўшилиши мумкин.

Шу пайтгача рухсатсиз хорижга чиққан хонандалардан бири Ботир Қодиров Бирлашган Араб Амирликларига берухсат боргани учун лицензиядан маҳрум қилган эди.

«Ниҳол» мукофоти совриндори Феруза Жуманиёзова ҳам яқин хорижга чиққани учун лицензиядан маҳрум қилинган эди.

Ўзбекистонда шоу дунёсини назорат қилиш аввалига маданият вазирлигига оид филармониялар тарафидан амалга оширилган.

1990 йилда Туркияга кетиб қолган ўзбек кўшиқчиси Шоҳсанам Қиличевага қарши жиноий иш очиш ташаббусчиси Хоразм вилоят филармонияси бўлган эди.

Айни пайтда кўшиқчилар «жиловини» тутиб туриш «Ўзбекнаво» зиммасига юклатилган.

ЎХХ хабарлар бўлими



МХХ ХОРИЖДАГИ ЎЗБЕКЛАРНИ ҚАЙТАРИШ УЧУН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ БОСИМ ҚИЛМОҚДА

Россия ва Туркиядаги ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларини ватанга қайтариш мақсадида МХХ ва милиция ходимлари уларга бирма-бир телефон қилиб босим кўрсатмоқда. Муҳожирларнинг телефон рақамларини олиш учун МХХ бошчилигидаги гуруҳ уйма-уй юриб, хориждагиларнинг оила аъзоларига таҳдид қилаяпти. Яқинларининг рақамларини бермаганлар милиция бўлимига чақиртирилиб, махсус суҳбатга тортилмоқда.

Яқинининг рақамини бермаганларга “повестка” жўнатиляпти

Озодлик манбаларига кўра, МХХ бошчилигидаги гуруҳларнинг хориждагиларни Ўзбекистонга қайтариш тадбирлари бугунги кунда икки босқичда бормоқда.

Биринчи босқичда хориждагиларнинг телефон рақамлари уларнинг уйидагилар орқали қўлга киритилаётган бўлса, иккинчисида, хориждагиларни қайтишга мажбурлаш учун улар билан бевосита телефон суҳбатлари ўтказилмоқда.

Жойлардан олинган маълумотга кўра, иккала ҳолатда ҳам одамларга босим ва таҳдидлар қилинмоқда.

Бухородаги манбанинг айтишича, МХХ, Ички ишлар бўлими ва маҳалла йигинлари раисларидан иборат гуруҳ кимки хорижда бўлса, унинг уйига бостириб бораёпти:

“Бу гуруҳдагилар баъзи жойларда 2-3 киши, баъзида ундан ҳам кўп бўлиб юришибди. Агар

бир кўчадан 5 одам хорижда бўлса, ҳаммасининг уйига бирма-бир кириб чиқаяпти. Ўша уйдаги одам қайси хориж давлатида?, Қачондан бери юрибди? Ҳамма маълумотни ёзиб олиб, хат қилишяпти. Кейин телефон рақамини беришни талаб қилишмоқда. Кўпчилик яқинларининг телефонларини беришни истамаяпти.

Уларни эса милиция бўлимига “повестка” билан қайта-қайта чақиртираяпти. Рақамни бермагунча тинч қўйишмаяпти. “Давлат сиёсатига қаршимисан”, деб уларга босим кўрсатиб, кўрkitиб олаяпти ўша телефон рақамларини”, дейди Бухородаги исмини очикламасликни сўраган манба.

Сим қоқиш операцияси

Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан олинган маълумотга кўра, хориждаги муҳожирларга МХХ ва милиция бўлимлари вакиллари шахсан кўнғироқ қилиб, уларни ортга қайтаришга уринаяпти.

Хориждаги ўзбеклардан олинган маълумотга кўра, айрим ҳолларда кўнғироқ қилган орган ходимлари яхши гап билан қайтишни тушинтираяпти, баъзида очикдан-очик босим билан қайтиш талаб қилинмоқда.

Туркиянинг Истанбул шаҳрига Самарқанддан бориб ишлаётган аёлга, Самарқанд шаҳар Ички ишлар бўлиmidан кўнғироқ бўлган:

“Самарқанд ГОВДсидан дугонамга кўнғироқ қилиб, уни бу ерда нима иш қилаётгани борасида ҳамма маълумотни сўрашибди.

Айниқса, улар дин бўйича кўп савол беришган. “Ишлаётган жойингда сени динга даъват қилишдимми?, Намоз ўқиясанми?, Ўзбекистонга қайтсанг диндор бўлиб кетмайсанми?” деб сўрашибди. Мен ҳам Истанбулдан. Меникига ҳам милициядан боришган. Лекин менга ҳали кўнғироқ қилишмади. Уйдагилар мени огоҳлантириб қўйишди. Шунинг учун тайёрланиб, ўтирибман. Лекин дугонамга ҳеч ким айтмаган экан. Жуда кўрkitиб қолган. Энди қайтиб кетмоқчи”, дейди исмини очикламаётганимиз самарқандлик аёл.

Хориждан қайтариш учун уйдирма айбловлар ишлатилмоқда

Россияда ишлаётган ўзбек муҳожирларидан бирининг Озодликка мурожаат қилиб айтишича, у тезда ватанга қайтмаса, ваҳҳобийга чиқарилиб, Россиядан экстрадиция қилиниш таҳдиди остида қолаяпти:

— Ўзбекистондалик пайтимда масжидга бориб юрардим. Лекин Россияга келгандан бери, ишдан ортмайман. Бирор диний гуруҳ, ёки диндорларга алоқам йўқ. Уйимга участкавой мелиса келиб, тез қайтсин, депти. Акамга терговчи телефон қилиб, уканг ваҳҳобийлар рўйхатида, ўзи қайтмаса, ФСБга бериб, экстрадиция қилдирамиз, деб пўписа қилипти. Уй-жой қиламан деб болаларимни ташлаб, Россияга келувдим. Бир йилдан бери бу ерда ҳам тузук-қуруқ иш тополмай, пулсиз юрибман. Шунга уйга бормаи юривдим. Энди нима қилишимни билмайман, дейди бу суҳбатдош.

Хорижга ишлашга кетиб, узоқ муддатга қолиб кетганларни уйига қайтариш ҳаракати ўтган йил охирида бошланди. Аввалига хорижга кетганлар ва уларнинг уйида қолган яқинлари қайдга олиниб, милиция ва МХХ суҳбатидан ўтказилиб, ҳар бир оиладан тушунтириш хати олинди.

Маҳалла кўмиталаридан олинган маълумотга кўра, хорижга кетганларни ортга қайтариш тадбири мамлакат бўйлаб ўтказилаётган аксилтеррор

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

тадбирлари доирасида амалга ошириляпти.

Ушбу аксилтеррор тадбирлари доирасида мактаб, коллеж-лицейлар, олий ўқув юртлари, шифохона ва деярли барча давлат ташкилотларида тунги навбатчилик ташкил қилинди. Шунингдек, жойлардан олинган маълумотларга

Собиқ совет иттифоқи даврида дам олиш масканларига қурилган оромгоҳлар, давлатлар мустақилликка эришилгандан кейин қай бирининг ҳисобида қолиши ҳал этилмаган.

4-апрелда қирғиз ҳукумати қабул қилган қарорга кўра, Иссиқ-кўл соҳилида жойлашган Ўзбекистоннинг “Роҳат”, “Дилором”, “Олтин кум” ва “Бўстон” оромгоҳлари Қирғизистон қарамоғига қайтарилди.

Бу масканлар собиқ совет иттифоқи даврида Ўзбекистондаги корхоналар маблағига қурилгани айтилмоқда. Агар ҳақиқатан ҳам юқоридаги оромгоҳлар Қирғизистон қарамоғига ўтса, у холда кўшни давлатга товопули тўланадими ёки йўқ ҳозирча номаълум.

Қирғиз ҳукуматини тасофидан бу қарорга келишига нима сабаб бўлди? — деган савол турли фаразларни олға сурилишига туртки бўлмоқда.

“Биз аввал Ўзбекистонга газ ва электр энергияси бўйича қарам эдик. Давлатимиз собиқ раҳбарлари ушбу масалалар сабаб қатъий сиёсий қарорлар қабул қилаолмаган. Биласизлар, “Датқа Кемин” электр станцияси қурилиб, ишга тушди. Газ бўйича ҳам, Россиянинг “ГазПром” корхонаси муаммоимизни ҳал этиб берди. Энди бизни Ўзбекистонга қарамлигимиз йўқ. Шундан келиб чиққан холда, кеча ҳукуватимиз Иссиқ-Кўлдаги кўшни давлат оромгоҳларини ўз ҳисобимизга ўтказишга қарор қилди” — дейди Қирғизистон иқтисод вазири Арзибек Кўжўшов.

“Тоқтўғул” ГЭСидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси республиканинг жанубий вилоятларига Ўзбекистоннинг Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари орқали етказилар эди. Ўтган йил қурилиши аяқланиб, ишга туширилган “Датқа Кемин”

кўра, МХХ назоратида турган, яъни олдин қамалган ёки яқинлари қамокда бўлган шахслар МХХ идорасига чақиртирилиб, махсус суҳбатдан ўтказиляпти. Asiaterra нашрига кўра, пойтахтнинг катта савдо марказларида одамлар металл детекторлар ёрдамида текширилиб, рюкзак, портфель ва сумкалар тинтилмоқда.

Uzmetronom нашри хориждан



Қирғизистон Ўзбекистондан ўч оляптими?

электр станцияси давлатни кўшнидан мустақил қилган.

Шунингдек, икки йил аввал Россиянинг “Газпром” ширкати Қирғизистоннинг “Қирғизгаз” ширкатини умумий қарзларини ҳисобга олган холда, бир долларга сотиб олиш билан, Ўзбекистондан келувчи газ маъсулиятни ўз зиммасига олган.

Ҳақиқатан ҳам бу қарор иқтисод вазири айтганидек, Ўзбекистондан қарамсизлик муносабати билан қабул қилиндими ёки яқинда чегара ҳудудларида бўлиб ўтган низолар учун ўч олишнинг бир йўлими?

Маълумки, жорий йилнинг март ойи ўрталарида Ўзбекистон ҳарбийлари “Наврўз” байрами арафасида ҳавфсизлик кучайтирилгани бахонаси билан Қирғизистоннинг Жалол-Обод вилоятига қарашли Акси туманидаги бахсли ҳудудга бостириб кирган эди. Бундан ғазабланган қирғиз тараф ҳам ўз ҳарбийларини кўшни давлат ҳарбийлари қаршисига олиб келиб қўйган. Қарийб бир ҳафталик музокаралардан сўнг Ўзбекистон ўз ҳарбийларини бахсли ҳудуддан олиб чиқиб кетган.

Қирғизистондаги қатор муҳолифат вакиллари ва таҳлилчилар, қирғиз ҳукуватининг Иссиқ-кўлдаги Ўзбекистон оромгоҳларини ўз ҳисобига олишини, кўшнига нисбатан ўзининг “ўткир тишларини”

қайтган ҳар бир фуқаронинг террорчилик ташкилотларига алоқаси бор ёки йўқлигини текшириш учун участка нозирлари сўроқ қилаётгани ҳақида эзди.

Ижтимоий тармоқлардан олинган хабарга кўра, пойтахтдаги барча Интернет кафелар каттик назоратга олинган ҳамда Интернет трафиғи текшириляпти.

Манба: «Озодлик» радиоси

кўрсатишлик дея баҳоламоқдалар.

Минтақада авторитар тузум билан бошқариладиган Ўзбекистон, кўшнисининг бу қароридан кейин, уни яна ҳам кўпроқ “бўғиш”га ўтади дея хавотир билдираётганлар ҳам йўқ эмас.

Фарғона водийсида жойлашган Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари Қирғизистоннинг Ўш, Жалол-Обод ва Боткен вилоятлари билан чегарадош бўлиб, вақти-вақти билан бу ҳудудларда турли хил низолар юз бериб туради.

Эрта баҳордан бошлаб кўшни давлатга арзон дала-полиэ экинлари, мева-чевау, хомашё молларигача етказиб берадиган Ўзбекистон, у ердаги ўз таъсир доирасини сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

“Қирғизистон ҳар қанча Ўзбекистондан мустақил бўлишга ҳаракат қилмасин, барибир, бу давлатдан батамом юз ўғириб кетаолмайди. Сабаби, географик жойлашув бунга йўл қўймайди” — дейди таҳлилчилар.

Асосан, республика жанубидаги Ўш, Жалолобод ва Боткен вилоятларини шарқ давлатлари билан боғловчи йўллар Ўзбекистон орқали ўтиши маълум.

2010-йилда Ўш ва Жалолободда юз берган қонли воқеалардан сўнг Ўзбекистон, Ўш вилоятидаги чегараларини бир тарафлама ёпган. Чегаранинг икки тарафидаги одамлар бир-бирларини кўришлик учун юзлаган километр айланиб ўтишга мажбур бўладилар.

Жалолобод ва Боткен вилоятларидаги чегаралар ҳам тўлиқ бўлмасида, ҳозирги кунда одамларнинг ўтиши учун очиқлиғича қолмоқда. Унда ҳам ўзбекистонликлар томонидан қирғизистонликларга юбориладиган ташриф қоғизи билан ўтиш мумкин.

ЎХХ ахборот бўлими



2nd April 2016 is step toward Turan?

Туронга йўлми?

2-апрел куни Қорабоғда келиб чиққан кескинликка баҳо беришга ҳаракат қиламиз ва агар вазиятни нисбатан кераклича баҳолай олсак, бир неча долзарб масалалар сифатида қаралган муаммолар ечимининг қай йўсинда бўлиши мумкинлигини ойдинлаштирамиз.

Қайси тарафнинг ўт очишни биринчи бошлагани ва аслида ким қарши хужумга ўтишга мажбур бўлганини аниқлашнинг иложи йўқ, ва бунинг кераги ҳам йўқ, унчалик. Чунки, қон тўкилиб бўлди. Икки томон ҳам бир томонлама айбдор, албатта. Яхшиси, Озарбайжон ва Арманистон воситасида сиёсий-иқтисодий, этник-диний манфаатлари тўқнашувчи томонларнинг ҳаракатига ёки ҳаракатсизлигига урғу берсак.

1. Туркия Озарбайжон билан этник, диний бирликка эга давлат. Шу икки унсур, бу икки турк давлатининг ҳар қандай бошқа манфаатларидан устун туриши бор гап. Сўнгги Яқин Шарқ воқеалари сабабли, Туркия ва Россия ўртасида кучайган зиддиятлар ортидан, Россиянинг яқини бўлган давлатга қарши турган Озарбайжонни қўллаб-қувватлаш орқали, Туркия ўз таъсири янада кенгрок амалга оширади.

2. Россия собиқ Иттифоқ меросхўри ўларок, минтақадаги жараёнларга кескин ва чуқур аралашади. Турк давлатларига совуқ муносабатда бўлган Москва ҳукумати, Туркия билан сўнгги қийин вақтлардаги — Оврўпа Бирлигининг иқтисодий чекловлари, нефт нархининг пасайиши каби омиллар пайдо қилган иқлимда бўғилиб, тоза ҳаво етишмай қолган кезлардаги иқтисодий яқинлашув ҳам узоққа чўзилмади. Чунки, қанчалик зарур бўлмасин, азалий душманлик

ҳиссида бўлган икки буюк давлат бир бири билан узоқ дўстона муносабат ўрната олмай, яна эски яраларини қашлай бошлади. Энди ўша яралардан оқаётган қон учун, бир бирини сабабчи ҳисоблашмоқдалар. Бу жараён ўзини баланд санаётган Москва ҳукумати учун ёқимсиз бўлсада, чидашга мажбур. Чунки, ўзидан кучсизроқ рақибининг, нисбатан кучсизроқ бўлган кўплаб яқинлари бор. Шунга қарамай, «вой жоним» дея ўз эмоциясини кўрсатиш билан чекланишни истамаган руслар, укасининг қўли билан, эски яралари учун рақибининг юзига тарсаки тортиб қўйишни ҳам истамокда. Акс ҳолда, оғаликка даъводан воз кечиши керак деган гаплар ҳақлиги кўриниб қолиши мумкин.

2-апрелдаги тўқнашувларда Озарбайжон 12 черик билан биргаликда 1 тадан тикучар ва танк йўқотди. Арманистон эса 100 зиёд чериги ва 6 та танк, 15 дан зиёд ҳарбий техникасини йўқотди. Арманистон шуниндек кўплаб ярадорларга ҳам эга.

Озарбайжон юриши ортидан бир қанча худудларни ва стратегик нуқталарни эгаллаган.

Тўқнашувлар давом этмоқда.

Воқеаларга муносабат билдирганлар ва билдирмаганлар орасидаги энг аҳамиятли бўлган давлатлар ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтсак.

1) Туркменистон биринчи бўлиб воқеаларга муносабат билдирди. Бир неча кун олдин кўшинлар машғулотларига қўмондонлик қилиб, машғулотларни шахсан кузатиб бошқариб борган ва ҳарбий техникалар қаторида тик учарни ҳам бошқаргани телевидения орқали намойиш

этилган Туркменистон президенти Гурбангули Бердимухамедов, 2-апрел воқеалари борасида «Агар Озарбайжон истаса ёрдамга тайёрмиз» деган. Бердимухамедовнинг бундай йўл тутиши недан? Ўзининг жиддий қарори билан, кечагина тикучар бошқариши, шунчаки сайр эмаслигини билдириб қўймоқчи бўлдимикин? Балки ён қўшниси, Туркистон диктаторлиги рамзи бўлган Ислом Каримовга бўлган салбий муносабатини, унингдек писиб ўтиришдек йўлни тутмаслиги орқали, ўзининг ундан бошқачарок диктатор эканлигини билдириб қўймоқчи бўлгандир. Ёки, ўзи қатори ўғуз турки бўлган қардошларига нисбатан қон томирларида қандайдир мойиллик пайдо бўлдимикин, буниси бизга қоронғу. Нима бўлганда ҳам, Туркменистон ҳар тарафлама алоқадор бўлган Озарбайжонга яқинлигини кўрсатар экан, кўп томонлама таъсири бўлган Россияга қарашларига қарши илк жиддий кадамини қўяди.

2) Қозоқистон икки тарафни ҳам тинчликни сақлашга қақирди. Бу унинг вазиятга енгил қарашиданми ёки ҳаммадан кўра чуқурроқ ёндашганиданми? Қозоқистон воқеалар яна аввалгидек кўринишга қайтишини кутиб, ва бетарафлик орқали ўзининг манфаатларини аввалгидек сақлаб қолишни ўйлагандир, балки. Аммо вазият аввалги ҳолга қайтмаслиги аниқ. Қозоқистон, минтақада Россия билан деярли сув ва ҳавога муҳтожлик каби боғланган. Бундан воз кечиш учун эса, минтақадаги бошқа давлатлар билан алоқаларини мустаҳкамлаши ва кенгайтириши, кейингина

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Россия билан ришталарни узиши мумкин. Чунки, вазият шуни тақозо қиладики, бу ип узилса, жуда узоқ вақт боғланмаслиги аниқ... Қозоқистон мана шу жиҳатларни ииноватга олиб, 2 апрел воқеаларига 3 апрелда тинчликка чорлаш билан муносабат билдирди.

3) Ўзбекистоннинг муносабати аввалдан кутилгандек бўлди. Яъни Каримов ҳукумати турк давлатларига хайрихоҳ эмас эканлигини, уларнинг аҳволи билан иши бўлишини истамаслигини яна бир бор кўрсатиб қўйди. Ўзбекистон ҳукумати муносабатидан фарқли ўлароқ, муҳолифатнинг воқеаларга муносабати кўпчиликка қизиқ. Чунки, бошқа турк давлатлари муҳолифатларига қараганда Ўзбекистон муҳолифати ўзининг демократлиги, сиёсий ахлоққа таянганлиги ва турк дунёси учун хайрихоҳлиги билан биргалликда,

келгусида бугунги Ўзбекистон ҳукуматидан сўнг ҳокимиятга келиб, Туркистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва географик маркази бўлган давлатни қай йўлдан етаклаши, бугун билан бир қаторда эртага ҳам қатта аҳамиятли бўлади. Шунинг учун унинг ҳар бир қадамини, синчиклаб кузатиш ўринли. Аммо, сўнгги воқеалардан икки кун ўтдики, муҳолифатдан «мик» этган сас чиққани йўқ. Бу билан, муҳолифат юқоридаги фикрларимизни шубҳа остига қўяди. Балки, муҳолифат ҳам воқеаларни чуқур идрок қилиш билан банддир. Аммо муҳолифатга шунча муддат етарли эмасми? Ёки муҳолифат Турон бирлигини ёқлаб чиққан даволарини унутиб қўйдими? Шу ўринда, «балки муҳолифат ўзининг истикболига ишонмас», деган мудҳиш гумонлар ҳам келади, ҳаёлга... Аммо, умид қиламизки ундай эмас. Ва Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ҳам ўз

сўзини айтади.

4) Покистон давлати мусулмон умматдошлари Озарбайжонга ёрдамга ҳозилиги ҳақида билдирги берди. Бу вазият жиддийлашганининг яна бир далили. Чунки Покистон ҳам ядро куралига эга. Қорабоғ худудига ўзининг оғир ҳарбий техникаларини жойлаштирган Россия ҳам ядро куралига эга ҳарбий иттифокдошлардан, албатта қарши томонда. Шунингдек Россия кўнгилли фуқароларни ҳам йиғишни бошлаган. Кўнгиллилар Луганск ва Донецк Халқ Республикалари каби Украинанинг руспараст айирмачи худудлари билан бир қаторда Осетия каби Россия худудидан, Арманистонга боришга тайёрлиги ҳақида маълумотлар ёйилди.

5) Беларуссия ҳам Озарбайжонни ҳарбий томонлама қўллашини эътироф этди.

Мурод Бекманов
Манба: [Facebook.com](https://www.facebook.com)

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ҳибсга олинган тергов қилинаётган пайтида юрак хуружига учраган Тошкент вилоятининг собиқ ҳокими 59 яшар Аҳмад Усмонов мавжуд процессуал қоидаларга зид тарзда касалхонада сўроқ қилинмоқда. Хабарларга кўра, МХХ ертўласидаги сўроқ ва юзлаштирув чоғида Аҳмад Усмонов юрак хуружига учрагани ортидан у Тошкентдаги биринчи ҳукумат стационарига ётқизилган.

Манбанинг айтишича шу кунларда бироз ўзига келган Усмонов касалхона палатасида сўроқ бермоқда:

«Луначарский тарафдаги (Буюк ипак йўли кўчаси) биринчи ҳукумат стационарининг махсус қўриқланган палатасида муолажа олмоқда. Ёнига фақат терговчи қиряпти. Икки-уч кун бўлди интенсив сўроқ қилинмоқда. Усмоновга қарши кўрсатмалар асосан Андижондан келмоқда. Усмонов барча камомадни тўлашни бўйнига олиб ёзиб берган, дейди манба.

Тошкентлик ҳуқуқшунос Равшанбек Холматовга кўра, саломатлиги ёмонлашиб касалхонада қолаётган махбус фақат тузалиб кетгандан кейингина сўроқ қилиниши мумкин.

Манбанинг айтишича, ҳибсга олинган Усмонов «сақиз соатлаб давом этган интенсив сўроқ пайтида микроинсулт бўлиб



Собиқ ҳоким МХХ терговчилари томонидан касалхонада сўроқ қилинмоқда

хушидан кетган».

«Гвардейский кўчасидаги подвалда сўроқ берганида юраги бежо урган. Докторлар микроинсулт дейишган. Воқеа ўтган ҳафта бошида бўлди. «Очний ставка пайтида хушдан кетди», дейишди. Андижон шаҳар собиқ ҳокими Нурилло Алимов унга қарши очний ставкада показание берганида юрак хуружи бошланди. Терговда қийноқ бўлмаган чунки сўроқни МХХнинг иқтисодий жиноятлар бўйича терговчилари олиб борапти», дейди манба.

Айни пайтда бошқа манбалар

«Усмонов ўзини касалликка солиб вақтдан ютмоқчи» бўлганлиги ҳақида айтишди:

«Ўзи милиция тизимида ишлагани учун Усмонов симулянт бўлиб (Ўзини касалликка солиб) вақтдан ютиш мумкинлигини билади. Каримовнинг ғазоби сўниб ишлар бости-бости бўлишини қутяпти. Билишимча унга миокард инфаркт ташхисини қўйган доктор ҳам бу «спектакл» иштирокчиси. Пул эвасига ташхис ёзиб берилганига ишонаман.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Фақат терговчилар бу версияга ишонмасдан палатада сўроқни давом эттиришмоқда, дейди бошқа бир манба.

Яна бир манба “симуляция” ҳақидаги фикрни қисман тасдиқлади:

“Хизмат ваколатини суистеъмол қилганлик, кадрлар танлашда таниш-билишчиликка йўл қўйганлик ва порахўрлик» каби жиноятларда гумонланиб тергов қилинаётган Усмоновнинг яқинлари унинг иложи бор қадар узокроқ касалхонада муолажа олишини таъминлаш учун уринишмоқда. Усмонов тузалса қамокқа олиб кетилади. Шу боис қандай қилиб бўлса ҳам собиқ ҳокимни касалхонада узок қолдириш учун қариндошлар жиддий ҳаракат қилмоқда”, дейди манба.

«Гитлер»нинг тор-мор қилиниши

4 февраль куни Тошкент вилоят кенгаши депутатларининг

навбатдан ташқари сессияси чоғида ишдан олинган халқ орасида «Гитлер» деб ном чиқарган собиқ ҳоким бир вақтнинг ўзида сенаторликдан ҳам четлатилган эди.

Бунинг ордидан Ўзбекистон расмий матбуотида собиқ ҳокимни “қоралаш маъракаси” давом этди.

Расмий газеталар президент Ислоҳ Каримов Аҳмад Усмоновни «одамларнинг ишончини оқламагани» ва янги иш ўринлари яратмагани учун танқид қилганини иқтибослар билан эслатишди:

«Хамкасбларнинг ишончини йўқотгандан кейин қайта қўлга киритиш жуда қийин. Бунга уриниш бефойда. Агар бир марта одамларнинг ишончини йўқотсанг, минг марта кечирим сўрасанг ҳам бу уларнинг юрагида қолишини эсингдан чиқармаслигинг керак», деди президент.

Генерал-губернатор «Гитлер»

Асли самарқандлик 59 ёшли Аҳмад Усмонов милиция генерали рутбасига эга бўлган ягона вилоят ҳокими эди.

Усмонов 2006 йилда “Меҳнат шухрати” ва 2010 йилда “Фидокорона хизматлари учун” орденлари билан мукофотланган.

У 2004 йилда Наманганда генерал унвонини олган биринчи вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи бўлган.

Бунгача Жиззахда туман милицияси бошлиғи бўлиб ишлаган. Усмонов 2005 йил майидаги қонли воқеалардан кўп ўтмай, Андижон вилоят ҳокимлигига тайинланган.

Унинг 2006 йил октябридан 2013 йил апрелига қадар давом этган ҳокимлиги даврида Усмонов вилоятни қаттиққўллик билан бошқаргани кузатилган. Озодлик манбалари Аҳмаджон Усмоновнинг жуда ҳам зўравон ҳоким бўлганини, унинг раҳбарлиги даврида қама-қамалар авж олганини айтадилар. Узметроном нашрининг ёзишича, Усмонов Андижонга ҳокимлик қилган пайтида унга “Гитлер” лақабини беришган.

Аҳмад Усмонов охириги 4 ой ичида лавозимидан четлатилган иккинчи вилоят ҳокимидир.

ЎХХ хабарлар бўлими

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг тўнғич кизи Гулнора Каримова тижорий тизимларидан бирида юқори лавозимда ишлаган ва коррупцион схемаларга алоқадор деб топилган «Нурик» лақабли Нурмуҳаммад Содиқов 18 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Нурмуҳаммад Содиқов узок йиллар давомида Гулнора Каримованинг шахсий ҳисобчиси вазифасини бажариб келган.

Уч йил аввал Содиқов Араб Амирликларидан қайтганида Тошкент аэропортида қўлга олинган ва унга молиявий қаллобликлар билан боғлиқ айбловлар қўйилган эди.

Франциядаги Марказий Осиёда инсор ҳуқуқлари ташкилоти раҳбари Надежда Отаеванинг айтишича, Содиқов устидан ҳукм яқинда ўқилган.

— Ҳозир бизга аён бўлишича Нурмуҳаммад 18 йиллик қамок жазосига ҳукм қилинган,- деган Надежда Отаева «Озодлик» радиоси билан суҳбатда.

Шунингдек, Ўзбекистон тергов идоралари Гулнора Каримова хорижий телеком ширкатларидан йирик миқдорда пора олган, деган даъво билан Европа ва АҚШда

**Гулноранинг собиқ ҳисобчиси 18 йилга озодликдан маҳрум этилган**

тергов қилинаётган жиноят ишларига алоқадор бир қатор шахсларни ҳибсга олган.

Ҳибсга олинганлар орасида Гулнора Каримованинг фуқаровий эри Рустам Мадумаров ва хос ёрдамчиси Гаянэ Авакянлар ҳам бор.

Улар 2014 йилнинг май ойида одам ўғирлаганликда айбдор деб топилиб, Ўзбекистон ҳарбий суди томонидан 9 ва 6 йилга қамокқа ҳукм этилган эди.

Ўғирланган одам эса Нурмуҳаммад Содиқов бўлган.

Ўзбекистон Бош прокуратураси Содиқовни Гаянэ Авакян ва Рустам Мадумаров ёллаган собиқ ҳарбийлар ўғирлаганини билдирган эди.

Озод этилишидан бир неча кун ўтиб, Содиқов Twitter тармоғи орқали ўзини Гулнора Каримованинг одамлари унинг кўрсатмасига қўра ўғирлашганини айтганди.

Нурмуҳаммад Содиқовга нисбатан ҳукмнинг қачон ва қайси маҳкама тарафидан чиқарилгани маълум эмас.

Надежда Отаеванинг айтишича, Гулнора Каримова атрофидаги шахслар, жумладан Содиқов устидан маҳкама ҳам ёпиқ ўтказилган.

– Афсуски жамоатчилик бу суд жараёнларини кузатиш имконига эга бўлмапти. Бу шахслар устидан маҳкамалар ёпиқ ўтказиляпти. Сабаби бу коррупция схемалари марказида Ислоҳ Каримовнинг кизи Гулнора Каримованинг турибди. У президент отасининг соясида бу ишларни қилгани, уни хизмат мавқеидан фойдалангани маълум. Айнан шунинг учун бу жараёнлар жамоатчиликдан ёпиқ ўтказиляпти,- дейди Надежда Отаева.

ЎХХ хабарлар бўлими



Бош шифокорнинг иқтисодий жиноятлари

Даставвал, Бош шифокорнинг қотиллиги (<http://uzxalqharakati.com/archives/32343>) номи остида мақола чоп этилган эди. Энди, мақоланинг қолиб кетган бўшлиқларни тўлдириш мақсадида келиб тушган қўшимча маълумотларни умумлаштирган тарзда давом этиришга аҳд қилинди. Чоп этилган матндан кўзланган мақсад кимнидир обрўсизлантириш ёки эгаллаб турган амалидан четлаштириш эмас, балки жамият аъзоларининг саломатлигига ҳамда ҳуқуқларига хавф солаётган нопок иллатларни очиб беришдан иборат. Бундай хунрезликларни оммага ошкор қилиш орқали фуқаролик ва одамийлик бурчи сифатида қилинган бир кичик амал мақсадида қўл урилди.

Шундай қилиб, Тошкент вилояти Эндокринология диспансери Бош шифокори Г.Т.Хидирова ўзи ҳақидаги ҳақиқатни интернет орқали билганидан кейин қўл остидаги ҳар бир шифокорни индивидуал тарзда олдига чақиртириб, унга нисбатан қилинган муносабатни ўрганишга ҳаракат қилади.

Лекин ҳеч бир шифокор ўз иш жойидан ажралишини истамаган ҳолда Бош шифокорга очиқ қарши чиқа олмади ва қайд этилган маълумотларга муносабат билдирилмади. Г.Т. Хидирова ҳар бир сўзида эзгуликни мадҳ этади, амали фитна, ўғрилик ва қабихликдан иборат. Айтилган жумлани исботи сифатида баъзи далилларни келтириб ўтиш жоиз деп, топилди.

Масалан, Тошкент вилояти Эндокринология диспансерида ҳамширалик лавозими учун Арзикулова Назокатхондан 0,25 ставка асосида ишга қабул қилганлиги учун 500 минг сўм пора ундиради. Ишга қабул қилинувчи ўрта тиббий ходим (ҳамшира) иқтисодий жиҳатдан қийналиб юрганлиги боис, пулни топиш учун бир нечта ходимлардан қарз сураб

юришга мажбур бўлади. Ҳозирги кунда мазкур касалхонанинг ҳамширалар даромад солиғини кўширмаган ҳолда, қўлига тегадиган ойлиги 250000-350000 сўмни ташкил этади (Ушбу ойлик маоши АҚШ валютасининг қора бозор қийматида ҳисоблаб чиқиладиган бўлса, 38-54\$ ни, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан

белгиланган АҚШ валютасига кўра, 86-121\$ ни ташкил этади. Бироқ, Марказий банк томонидан белгиланган АҚШ валютасини эркин сотиб олиш ёки сотиш имконияти мавжуд эмас). Яна бир ўрта тиббий ходим Миркузиева Камоладан (ҳамшира) дикретдан қайтиб ишга чиқиш учун Бош шифокор 500000 сўм пора олади.

Шунингдек касалхонадаги кўз шифокор ҳамшираси Абдурасулова Гулсарани ноқонуний тарзда ҳамширалик лавозимидан санитарка лавозимига тушуриб қўйган. Бу ҳам етмагандек, ҳамширалик фаолияти давомида олинган ойлик маошларини қайтариб берилишини Бош шифокор қаътий талаб қилмоқда. Шунга ўхшаш ҳолат касалхонанинг умумий эндокринология бўлими ҳамшираси Тошпўлатова Мафтунанинг хомиладор бўлишига қарамасдан ҳамширалик лавозимидан санитарка лавозимига асосиз ўтказида ва ундан ҳам ҳамширалик даврида тўлаб келинган ойлик маошини давлатга қайтариб беришига мажбурлайди. Бундан ташқари, ўзи иш фаолиятини дўқ-пўписа, қўрқитиш, тўхмат асосида қурган Бош шифокор Г.Т.Хидирова давлат томонидан ажратилган мол мулкни ўмариш технологиясини мунтазам равишда амалга оширади. Масалан, ходимларни моддий рағбатлантириш борасида касалхонанинг фидойи шифокор ва ҳамшираларига берилиши лозим. Лекин, бу шифоҳонада рағбат Бош шифокорга ҳайрихоҳ бўлган ходимларга берилиб, сўнг пластик карточкага тушган пул Бош шифокор томонидан қайтариб олинади. Рағбат олиб, Бош шифокорга қайтарилган ходимларнинг рўйхати: Тўрабаева Шахноза (жияни); омбор мудири Мирвалиева (синглиси); Сиддиқова Адиба; Пилтабаев Мухтор; Бегматова Иқбол; Исмоилова Раънолардан иборат.

Энди Тошкент вилояти

Эндокринология диспансери бюджетидан беморларга керакли дори воситалар ўрнига мuddати ўтган ёки мuddати яқинлашган сифатсиз дорилар сотиб олинди, беморларга керак бўлмасада, шифокорларга мажбурлаб сарф қилдириб келмоқда.

Мазкур дорилар фармоцевтика фирмалари билан келишган ҳолда амалга оширилиб, касалхона бюджетидан пул ўтказилади. Буни эвазига эса, фармоцевтик фирмадан олинган дори воситалари учун (мuddати ўтган ёки яқинлашиб қолган) йирик миқдорда пора олинади. Касалхона томонидан беморларга ишлатиладиган дорилардан Веропомил, Гуанофоцин, Левотираксин в.б. воситалар Бош шифокорнинг кўрсатмаси билан поликлиника бош ҳамшираси Атометова Нафиса томонидан касалхона атрофидаги "Дўстлик Қ.Ф.И" хонадонларига беркитиб қўйилади (текширишдан эҳтиёт бўлиш мақсадида). Касалхона шифокорлари керак бўлмаган турли фармоцевтика фирма дориларини буюришига Бош шифокор шароит яратиб берганлиги оқибатида даволаш ишлари мутлоқо талабга жавоб бермаслиги натижасида март ойининг ўзига бир нечта ўлим ҳолатлари кузатилди.

Тошкент вилояти Эндокринология диспансери Бош шифокори нафақат иқтисодий жиноятларни содир этиб келаяпти, балки кадрларни ишга қабул қилиш жараёнини ҳам қўпол равишда бузиб келмоқда. Ҳатто, тиббий ходимликка номзод бўлиб келган фуқароларга ишга қабул қилиши учун ёзиладиган ариза 2 та бўлади. Биринчи ариза мазмуни ишга қабул қилиш бўлса, иккинчиси ўз вазифасидан озод қилиниши ҳақида бўлади.

Хуллас, Бош шифокор 11 ойлик иш фаолияти давомида ноқонуний амалиётлар мисли қўрилмаган даражада авж олди. Бундан эса, нафақат касалхонада ишлаб келаятган тиббий ходимлар, балки тиббий муолажа олиш учун келган беморлар ҳам азият кўраётган. Умуман олганда, Давлат тасарруфидаги ташкилотларда ноқонуний ва ноинсоний ҳаракатлар ортиб бориши оқибатида меҳнатга лаёқатли фуқаролар орасида ўзбек диёрини ташлаб, бошқа мамлакатларда меҳнат қилиш иштиёқи то бора ортиб бораёпти. Бундай ташвишли ҳолатларга йўл қймаслик учун қонун устиворлигини таъминлаш масаласи лозимлиги ҳукумат раҳбарлари олдида долзарб масала сифатида мушоҳада юритиш вақти келганлигини таъкидлаш ўринлидир.

УХХ тахририятига келган мактуб



КАРИМОВ РЕЖИМИ БЎРИ ОЛДИДАГИ ҚУЁНДИР

Майдонда курашга шайланган икки жангчини тасаввур қилиб кўринг. Бу жангчиларнинг бири Ўзбекистон Халқ Ҳаракати, бири эса Каримов диктатураси.

Одамларнинг кўз ўнгида Каримов режимининг куч-қудрати кўп. Аслида, у тамом чириб битган бир тўнка. Қаттиқроқ зарб билан тепсангиз, юмалаб кетади.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати эса, шубҳасиз, зулмга қарши курашаётган бўрилар лашкаридир. Зотан, ҳар қандай хайвон, ҳатто, шер, филкабилар кўлга ўргатилиши, қафасга кириши мумкин, лекин бўрини бўйсундириб бўлмайди. У ҳеч қачон циркда масхабозларга кўшилиб томоша кўрсатмаган, оловли чамбаракка қараб сакрамаган. Бўри ҳамиша эркни танлаган. Шунинг учун бўлса керак, турк миллати бўрини ўзи учун рамз сифатида танлагандир. Турк сўзининг луғавий маъноларидан бири ҳам бўри демакдир.

Каримов режими ўз рақибига қарши курашар экан, ҳаром ва фирром усулларнинг ҳаммасини қўлламоқда. Ҳалол одамларга тухмат қилиш, ҳақ гапни айтганларни қамаш, ўлдириш йўлидан бормоқда. Фурсат бўлди дегунча ўз рақибининг ғояларини ўғирлаб ўзиники қилиб олмоқда.

Бугун шунини ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати Ўзбекистон Республикасида улкан кучга айланиб бормоқда. Ҳаракат тарафдорлари ва содиқ аъзоларнинг адади кундан кун кўпаймоқда. Бу хабар Каримов режимини талвасага солади, Каримов ва унинг шотирлари оёғи куйган товукдек типирчилайди, тўрт томонга изғиб Халқ Ҳаракатининг аъзоларини излайди, кимларнидир шу “айблов”

билан қамаб йўқ қилишга интилади, бу борада тухмат ва бўхтондан мутлақо тап тортмайди.

Бирок Ўзбекистонда ҳукумат Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг шарпаси тугул номидан ҳам кўрқади, ҳаракат фаолларидан, ҳаракат Раиси Муҳаммад Солиҳнинг исмидан даҳшатга тушади. Ҳукуматнинг талвасаси шу қадарки, бу номларни эшитса, акли шошади, эси оғади, шунинг учун ҳеч қаерда ўз рақибининг номини тилга олмайди, тилга олдиртирмайди. Чунки Муҳаммад Солиҳни халқ яхши билади, унинг номини тилга олиш, унинг фаолияти ҳақида ахборот бериш, шубҳасиз, қатта рекламадир. Одамлар ўз раҳнамоси ким эканлигини яхши эслайди, бугунги ёлғончи ҳукуматни ағдариб, ўрнига Халқ Ҳаракати аъзолари келишини жоң деб истайдилар.

Ўзбекистон ҳукумати шундан кўрқади. Каримов ва унинг югурдаклари икки ўт орасида: Солиҳ ва унинг ҳаракатини ошқора қоралайман деса, халқ ишонмайди. Зотан, одамлар ҳали “Эрк” партиясининг жасоратини унутгани йўқ ва унутмайди ҳам. Иккинчидан, Каримов режими учун улкан хатар бўлган бу ҳаракатнинг номини тилга олмай, уни қораламай қайси йўл билан қарши курашиш мумкин?!

Диктатура учун ҳар икки ҳол ҳам қатта ҳалокат. Ўзбекистон Халқ Ҳаракати, шубҳасиз, Ўзбекистон ҳукуматини, Каримов режимини бурчакка тикиб қўйди, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати олдида Каримов режими худди бўри олдида типирчилаётган қуён кабидир.

Каримов режимининг жиноятлари улкан. Шу қадар улканки, уни яшириб бўлмайди.

Шунинг учун режим эгалари ўз жиноятларини бўяб, худди фазилат каби кўрсатмоқдалар.

Тасаввур қилинг-а, Ўзбекистон ТВда Ўзбекистон Халқ Ҳаракатини айблашга, қоралашга бағишланган кўрсатув берилипти. Ҳаракат Раиси экранда пайдо бўлди, одамлар қалқиб тушди: “Бу Муҳаммад Солиҳ-ку!..”

Ҳаракатнинг мақсади – даъвосини диктор бор маҳорати билан жирканиб ўқийди, тингловчилар эса аслида ким ҳақ эканлигини англай бошлайдилар. Кўрсатув поёнига етади, мажбуран Республиканинг ҳамма нуқталарида яна кўрсатиб чиқилади. Бирок одамларда энди ўзгариш зоҳир бўлади: “Муҳаммад Солиҳ ўтган асрнинг 90-йилларида ҳам шу қадар бир курашчи эди. Ўша даврларда ҳам жасоратли эди. У ўзгармабди. У ҳамон ғайратли. У ҳамон курашчан. Аксинча, янада салобатли бўлибди. Янада донишманд бўлибди. Биз у билан яқиндан танишайлик. Уни қақрайлик...”

Натижада, Каримов режимининг Халқ Ҳаракатига қарши қўллаган провакцаяси ўзига қарши ишлай бошлайди. Бунини золим режим яхши тушунади. Яхши англайди. Шундан кўрқади у. Одамларга Муҳаммад Солиҳ шахсиятини туман ичида кўрсатишга, ундан бошқаларни кўрқитишга ҳаракат қилади. Лекин аксинча... Халқ ҳамон ўз Раҳнамосини кутмоқда. Қатағон қанчалик авж олмасин, Каримов шахси пуфакдай ҳаво пуфлаб шиширилмасин, унинг каззоблигини яширишга имкон қолмаяпти. Бугун Ўзбекистон халқи боши берк кўчага кирганини англайди. Энди қайси тарафга юришни билмайди. Тўғри йўл кўрсатадиган Раҳнамони излапти.

Каримов режими худди Ўзбекистон Халқ Ҳаракатини кўрмаётгандек тутуди ўзини. Аслида, эса ўтган асрнинг 90-йилларида бўлганидек, ҳукумат муҳолифатга ўзи билиб-билмай бўйсунмоқда. Масалан, ЎХХ сайтида Ўзбекистон ёшлари ўта пассив ва депрессив кайфиятда қолгани ҳақида мақола чиқса, бироз ўтмай ҳукумат ёшларни “руҳлантирадиган” тадбирлар ўтказишга тушиб кетади. ЎХХ Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш қандай бўлгани ҳақида “Қуролсиз кишининг озодлиги” деган хужжатли фильм ишлаган

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

эди, орадан уч йил ўтказиб Каримов ҳукумати “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” деган сафсатадан иборат эртақфильмни тақдим этди. Халқ Ҳаракати сайтида Каримов шахсияти қанчалик тубанлиги фош қилинса, режим ўз диктаторини

шунчалик кўп улуғлайди.

Қисқаси, Каримов режими Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг беаёв танқидлари муқобилида унга қарши нимадир қилишга интилади. Яна бир яққол мисол шуки, Халқ Ҳаракати сайтида Алихонтўра Соғуний, Абдурауф Фитратнинг асарлари давомли равишда чоп этила бошланди, режим шу

кунларда диний мазмундаги барча асарларни тақиқлади, бу билан гўёки Соғуний ва Фитратнинг дин асосида шакллантирилган асарлари кунфаяқун қилинди. Бугун Каримов режими ўз интихоси томонга яқинляпти. Тарих яқин-орада золим режимининг ҳалокатига шоҳид бўлажак.

Абдуллоҳ Нусрат

“Ўзбек Мария Антуанеттаси: 5 000 фунт стерлингли болалар кийими сотувчи, бироқ душманларини ЁҒда қовурувчи мустабидга алоқадор гламур “малика”нинг ақлини шоширадиган ҳаёти”.

Юқоридаги узун жумла — таҳририяти Британиядаги dailymail.co.uk веб-сайти 29 март куни эълон қилган мақола сарлавҳаси.

Франция қироли Людовик XVI нинг хотини, Буюк француз инқилоби арафасида ҳаётини маишатда ўтказган, монархия тугатилгач гильотинада қатл қилинган Мария Антуанеттага



Рақибларини ЁҒда қовуришни севадиган мустабиднинг жияни

қиёсланаётган аёл Ўзбекистон Республикаси бош вазири Шавкат Мирзиёевнинг жияни, миллиардер Алишер Усмоновнинг жиян келини Диёра Усмоновадир.

Маълум бўлишича, dailymail.co.ukда эълон қилинган мақола Диёра Усмонова ҳақидаги ягона публикация эмас.

Бундан 2 йил муқаддам Тошкентда автоҳалокатда ўлган Бобур Усмоновнинг 27 яшар беваси киборлар ҳаётини ёритувчи Россиядаги нашрларнинг ҳам эътиборига тушган.

dailymail.co.ukда эълон қилинган мақолага Диёра Усмонованинг, кизи Мариамнинг, марҳум эри Бобурнинг, Алишер Усмонов, Ислом Каримов, Шавкат Мирзиёевларнинг суратлари илова қилинган.

Сайт мақоласида:

“27 яшар Диёра Усмонова Москвада хос болалар учун кийим дўкони очгани;

у Ўзбекистоннинг кўп йиллик бош вазири Шавкат Мирзиёевнинг жияни экани;

Мирзиёев инсон ҳуқуқларини топтовчи президент Каримовга ройиш экани;

Диёра Усмонованинг дўконидан

Чор Россияси шарафига дуру маржонлар билан безатилган кўйлақлар сотилиши” тўғрисида маълумотлар берилган.

Суперкиммат кўйлақчалар

Мақола Диёра Усмонова очган «от кутюр» butikда сотиладиган болалар кийимларидан биттасининг нархи 13 нафар оддий ўзбекистонликнинг бир йиллик иш ҳақиға тенг эканлиги тўғрисидаги гап билан бошланади.

Тоға

Суперкиммат кўйлақчалар тасвирини тушириб қолдирамыз. Мақола давомида унинг муаллифи Диёра Усмоновани ўқувчига таништирар экан, мана бундай деган:

“У (Диёра Усмонова) Ўзбекистоннинг ўз сиёсий рақибларини қайнатиб ўлдириши билан ном чиқарган, ўз кизи — 43 яшар миллиардер Гулнорани коррупцияда айблаб, уй қамоғига ташлаган 78 яшар автократ президенти Ислом Каримовга ройиш кўп йиллик бош вазири Шавкат Мирзиёевнинг жиянидир”.

Бу гапдан кейинги жумлада Шавкат Мирзиёев тўғрисида мана

бу маълумот келтирилган:

“Инсон ҳуқуқлари химоячилари Диёранинг қаттиққўл тоғасини у иктидорга келаётган давр — 2000 йилларда математика ўқитувчиси Эшнӣёз Ҳамзаевни ўқувчилари пахтани секин тергани учун калтаклаган, деб айблайди. Ўқитувчи орадан 5 кун ўтиб ўлган”.

Шунга ўхшаш яна бир эпизод келтирилган dailymail.co.ukда эълон қилинган мақолада.

Мариам — Бибиона — Bibiona Couture

Сўнгра мақоладаги гаплар Диёра Усмонова тўғрисида Россиядаги нашрларнинг ёзмашларига кўчади.

Tatler.ru нашри шу йилнинг 20 февралда Диёра Усмонова билан қилинган суҳбатлар асосида каттагина мақола берган.

Унда Диёра ҳозирда 4 яшар қизчасига бундан бир-икки йил олдин Vonpoint ширкатининг одмигина кўйлақларини кийдирганини, лекин қизчаси чиройли кўйлақчалар талаб қилгани тўғрисида гапирган.

Диёранинг айтишича, хос болалар учун хос кийимлар яратиш

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

истаги шундан пайдо бўлган ва онаси Сайёра Хошимовага кўнғироқ қилган ва киччаси учун бирон нима ўйлаб кўришни сўраган.

Tatler.ru ёзади: «Шу кунда Диёра ва 2013 йили автоҳалокатда нобуд бўлган Бобур Усмоновларнинг кизи Мариям 4 ёшда. Бибиона – Мариямга отаси эркалаб қўйган ном. Бибининг кўйлаклари билан кийим жавони тўлиб бўлган. Онасидан бир-икки ёшгаёқ катта кўринадиган бувиси Сайёра Хошимова ҳамма нарсани унутиб кўйлақлар эскизини чизади. Бу кўйлақлар нафақат набираси, балки севиқли фарзандига 200 минг рублдан 500 минггача тўлаб, кўйлақча сотиб олишни истовчилар учундир».

Шундай қилиб Диёра Усмонова ўша – биттаси 200 000 дан 500 000 рублгача турадиган хос кўйлақчаларни сотишга

ихтисослашган Bibiona Couture брендига асос солди ва жорий йил январиди брэндинг илк шоу-румине Москвада очди.

Озодлик Bibiona Couture шоу-румнинг пресса билан ишловчи хизмати билан боғланди. Лекин телефонни кўтарган ходима саволларимизга жавоб беришни истамади.

«Париж зерикарли, Москва яхши»

Bibiona Couture илк шоу-румине нега Тошкент-Париж-Лондон-Нью-Йоркда эмас, Москвада очди?

Бу саволга Диёра Усмоновнинг Tatler.ruга айтган мана бу гапи жавоб бўлиши мумкин: «Парижда бир ҳафтадан кейинок депрессияга тушиб қоламан, — деб кулади у.— У ерда зерикаман, Москвада маза».

2 йил олдинги даҳшатли автоҳалокат

Тошкент шахрининг Юнусобод

туманида 2013 йил, 8 май куни тонг саҳарда рўй берган автоҳалокат оқибатида Диёра Усмоновнинг эри, миллиардер Алишер Усмоновнинг жияни Бобур Усмонов ва унинг йўлдоши 20-25 ёшлардаги қиз ҳалок бўлган эди.

“Тошкентнинг Юнусобод туманидаги “Шедевр” супермаркети ёнида 8 май куни эрталаб соат 5 дан 15 дақиқа ўтганда содир бўлган автоҳалокат натижасида россиялик миллиардер Алишер Усмоновнинг жияни Бобур Усмонов бошқараётган қизил рангдаги “Форд Мустанг” русумли автомобил аварияга учради. Ҳалокат натижасида Бобур Усмоновнинг ўзи ва унинг ёнида кетаётган 20-25 ёшлардаги қиз ҳам воқеа жойида ҳалок бўлди. Автомобил қайта тикланмайдиган даражада пачоқ бўлган”, деб хабар берган эди Озодликнинг Тошкентдаги манбаларидан бири.

Манба: «Озодлик» радиоси

Фармацевтика мафиялари миллиардлаб фойда кўришмоқда

Дунёда таниқли бўлган холестерин бўйича мутахассис Филипп Эйвен, “ёмон холестерин”нинг фармацевтика саноати томонидан ўйлаб топилган бир ёлғон эканлигини баён қилди. У Фармацевтика компанияларининг сўнгги 15 йилда “холестерин ёлғони” ёрдамида 300 миллиард доллари миқдориди фойда кўрганлини айтди.

“Холестерин биз ўйлагандек ўлдурувчи эмас, томирларни тикилтирмайди”, “ёмон холестерин дори саноати ўйлаб топган бир ёлғон”. Ушбу сўзлар Франция ва дунёнинг энг таниқли холестерин бўйича мутахассисларидан бири бўлган профессор Филипп Эйвенга оид. Эйвеннинг 21 февралда Францияда сотувга чиқган “Холестерин ҳақида ҳақиқат” номли китоби ҳозирда катта бир муҳокамага сабаб бўлмоқда.

Эйвен ўз китобида, холестерин умуман биз ўйлаган каби инсон соғлиги учун зарарли эмаслигини, томирларни тикилтирмаслигини, ирсий ва ҳаддан ташқари бўлганлардан ташқари албатта, ўлимга сабаб бўлмаслигини ва аксинча вужуд учун қатъиян зарур эканлигини таъкидлайди.

“ёмон холестерин” тушунчаси мавжуд эмас

Француз профессори ёмон холестерин деган бир тушунча йўқлигини айтади. Унга кўра, ёмон холестерин фармацевтика саноати томонидан ўйлаб топилган ёлғондан бошқа бир нарса эмас.

Профессор Эйвен холестерин миқдорини камайтириш учун қўлланиладиган ва статин дея танилган дориларнинг вужуд учун зарур бўлган холестерин ишлаб чиқарилишига тўсқинлик қилишини ва шу сабабдан юқори дозада қабул қилиниши оқибатида организм учун салбий оқибатларни юзага келтиришини айтади.

“Фармацевтика компанияларига хизмат қилишмоқда”

Катта фармацевтик фирмалари ва лабораторияларини холестерин борасида ёлғон сўзлашди айблаган профессор Эйвен, холестерин миқдорини камайтирувчи дорилар ёрдамида фармацевтика саноати сўнгги 15 йил мобайнида 300 миллиард доллар ишлаганини айтади. Француз мутахассиси, холестериннинг зарари ҳақидаги илмий мақолаларга муаллифлик қилган олимларнинг ҳам “фармацевтика саноати фойдасига ишлашларини” таъкидлайди.

“Бу одам ё ақлдан озган ёки...”
Профессор Эйвеннинг бу

баёнотини ўз муқовасида эълон қилган Франциянинг “Le Nouvel Observateur” газетаси, мавзу ҳақида “Бу одам ё ақлдан озган ёки бутун фармацевтика тарихида энг катта ташхис хатосига дуч келдик” деган сарлавҳа билан мақола чоп қилди.

Тарихда Франциянинг энг таниқли тиббиёт факултети сифатида маълум бўлган Неккерда йиллар давомида деканлик қилган профессор Эйвен, ҳозирда Неккер тиббиёт институтининг раҳбари.

“Холестерин скептиклари”

Холестериннинг соғлиқга зарарли эмаслиги борасидаги фикрлар фақатгина профессор Эйвен тарафдан эмас балки дунё миқёсида фармацевтика саноати билан алоқаси бўлмаган кўп сонли олимлар томонидан ҳам таъкидланиб келган. Ушбу олимлар 2002 йилда дунё бўйлаб тармоқларга эга “Холестерин скептиклари” номли ташкилотни ташкил қилишган эди.

ЎХХ хабарлар бўлими

<p>“ERKIN YURT” интернет-газетаси Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий нашри www.uzxalqharakati.com/erkinyurt Мухаррир: Нурбек Саломов</p>
--